

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

СУЮНОВ ЖАВЛОНБЕК ШИРАЛИЕВИЧ
НАТРИЙ ГИПОХЛОРИД ЁРДАМИДА СУВЛАРНИ
ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ

5A580402-Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш

“Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш” мутахассислиги буйича магистр даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга рухсат берилди.

Илмий раҳбар:

доц.т.ф.н. Сайфуллаев А. С. _____

«Сув таъминоти ва канализация, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш» кафедра мудири:

доц.т.ф.н. Сайфуллаев А.С. _____

МУНДАРИЖА.

| | |
|--|----|
| КИРИШ | 4 |
| Диссертация мавзусининг долзарблиги..... | 6 |
| Диссертациянинг мақсад ва вазифалари..... | 7 |
| Муаммонинг ишлаб чиқилиш даражаси..... | 9 |
| Тадқиқот предмети..... | 10 |
| I-боб СУВНИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ | 11 |
| 1.1. Сувни хлорлаш..... | 11 |
| 1.2. Сувни зарарсизлантирувчи электролиз ускуналар..... | 20 |
| 1.3. Сувни озонлаш..... | 23 |
| 1.3.1.Озон қўлланилишининг хоссалари, ишлаш принциплари (тарзлари) ва шартлари..... | 24 |
| 1.3.2. Озон электросинтези шартлари..... | 25 |
| 1.3.3. Озонаторлар конструкциялари ва сувни озонлашнинг технологик схемалари..... | 30 |
| 1.4 Бактерияларни ўлдирувчи нурлар ёрдамида сувларни зарарсизлантириш..... | 34 |
| II-боб.СУВНИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ УЧУН ХЛОР ТАРКИБЛИ РЕАГЕНТЛАРНИ ОЛИНИШНИ ЭЛЕКТРО-КИМЁВИЙ УСУЛЛАРИНИ ҚИЁСИЙ (ТАҚҚОСЛАШ) ТАҲЛИЛИ | 41 |
| 2.1“Аквахлор” қурилмаларида диафрагменлик (диафрагмалик) усулда хлорли сувни олинишининг принциплари..... | 44 |
| 2.2 “Хлорэфс” қурилмаларида натрий гипохлоритни электролизда олишни принциплари..... | 47 |
| III – боб.СИЛ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ШИФОХОНАЛАРИНИ ОҚОВА СУВЛАРИНИ ФИЗИКАВИЙ-КИМЁВИЙ ТОЗАЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ЗАРАРСИЗЛАНТИРИЛИШИ | 53 |
| 3.1.Термик усул | 54 |
| 3.2.Электрокаталитик усул..... | 55 |
| 3.3 Плазмокимёвий усул | 58 |
| IV-боб. ГАЗЛИ ШАХРИ ОҚОВА СУВЛАРИНИ ЛАБОРОТОРИЯ (ТАЖРИБА) ШАРОИТЛАРИДА ТОЗАЛАНИШНИНГ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ (СИНАШ) ИЗЛАНИШЛАРИ | 63 |

| | |
|---|-----------|
| 4.1. Экспериментни (синашни) олиб борилиш услуби..... | 63 |
| 4.2. Газли шахри оқова сувларини яримсаноат (ишлаб чиқариш) шароитларида тозаланишининг экспериментал (синаш, синов) изланишлари | 66 |
| Умумий хулосалар..... | 67 |
| Фойдаланилган адабиётлар..... | 69 |

КИРИШ

Атроф мухитни ифлослантирувчи моддалардан тозалаш бугунги кундаги асосий иқтисодий ва ижтимоий муоммолардан хисобланиб, биринчи навбатда инсонларнинг, келажак авлоднинг соғлиғини сақлаш, ундан ташқари аҳолининг саноат маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Ушбу масалаларни ечиш учун фақат техникага бўлган талабнигина эмас, балки уни табиатга бўлган муносабатига ҳам аҳамият бериш керак. Шунинг учун яқин йилларда кўплаб корхоналар келажакдаги ўзларини иш усулларини, мақсадларини қайта кўриб чиқишлари керак бўлади.

Табиий ресурсларни тежаш, шу жумладан сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришда чиқиндисиз ва сувсиз технологик жараёнларни жорий қилиш имкониятларини яратиш, ҳозирги пайтда мамлакатимиз иқтисоди ва экологик ҳолатини яхшилаш борасидаги энг долзарб муоммолардан хисобланади. Саноат оқова сувларини ишлаб чиқариш жараёнида қайта фойдаланиш, тозаланмаган оқоваларни сув манбаларига оқизиш, уларнинг ифлосланишини мутлоқо тугатиш, босқичма-босқич қайта фойдаланишни ишлаб чиқиш, баъзи бир корхоналарда оқова сувларисиз ишлаш имконияти мавжуд.

Келажакда коммунал соҳадаги асосий вазифалар аҳолини тўлиқ сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, сув таъминотининг эҳтиёжга қараб тури ва нормалари билан ажралиб турадиган марказлаштирилган тизимлари ҳисобидан шаҳарлар ҳамда аҳоли пунктларининг коммунал-маиший эҳтиёжларини қондиришга қаратилади.

Соҳанинг яқин ва ўрта муддатли истиқболдаги вазифалари қуйидагилардан иборат:

- яқин истиқбол - йилига $6,2 \text{ км}^3$ (2010 йил)
- ўрта муддатли истиқбол йилига $8,1 \text{ км}^3$ (2025 йил)

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда энг маъсулиятли вазифалардан бири сувнинг тулик ва ишончли зарарсизлантирилишидир. Чунки, сувнинг тиниклиги, рангсизлиги ёки таъми ва хидининг яхшилиги бу сувнинг истеъмол қилиш мумкинлигини билдирмайди. Сувнинг зарарсизлантирилиш даражаси у орқали

турли хил юқумли ёки бошка касалликларни тарқатилишининг баргараф қилинишидадир.

Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари, жумладан, OzDSt 950-2000 “Ичимлик суви” талабларига кўра, сув санитар-бактериологик жиҳатдан хавфсиз бўлишлиги учун унинг таркибий сифат кўрсаткичлари қуйидаги каби талабларни қаноатлантириши шарт:

- Коли – индекс - 3 та ичак таёқчалари;
- Коли – титр - 1 та ичак таёқчалари / 333 мл;
- Умумий микроблар сони - 100 дона/ мл.

Катта миқдордаги сувни ичимлик-хўжалик мақсадларида фойдаланишга тайёрлашда уни зарарсизлантириш биринчи бўлиб Олмонияда 1894 йилда, хлорли оҳак ёрдамида амалга оширган бўлса, орадан 117 йил ўтгач сувни зарарсизлантириш амалиётида кўплаб янги технологиялари ишлаб чиқилдики, уларни ўзаро қиёсий таққослаш, баҳолаш ва энг самаралисини танлаб олиш фан ва техниканинг алоҳида йўналишига айланди.

Мазкур диссертация табиий ва оқова сувларни зарарсизлантиришнинг энг замонвий технологияси , яъни, сувни натрий гипохлориди ёрдамида зарарсизлантириш ва унинг қўлланиш соҳаларига бағишланди.

Табиий ва оқова сувларни зарарсизлантириш сув хавзаларини, тупроқни ифлосликлардан сақлайди, улардан қайта фойдаланиш электр энергиясини ва сувни тежаш имкониятини беради. Натижада, атроф мухитнинг санитар- экологик шароити ва сув хавзаларини санитария гигиена ҳолати яхшиланади.

Оқова сувлардан зарарсизлантиришнинг мавжуд усуллари химиявий реагентларни қимматлиги, чет элдан келтирилиши, ускуналарни ва тозаловчи иншоотларни улчамларини жуда катталиги билан характерланади.

Сув хавзаларининг санитар - экологик ҳолатини яхшилаш ва саноатда сув манбаларидан оқилана фойдаланиш сувни зарарсизлантириш учун маҳаллий материаллар ва моддалардан фойдаланиш, булар асосида янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш талаб этилади. [23]

Ушбу масалаларни ечиш мамлакатимиз аҳолисини турли хил сув орқали тарқаладиган юқумли касалликларга чалинишининг олдини олиш, санитар-

эпидемиологик ҳолатини яхшилаш, ишлаб чиқаришда сув хавзаларини санитария ҳолатини яхшилаш, сувдан оқилонга фойдаланиш билан бирга олиб борилиши керак, сабаби ушбу муоммолар бир-бири билан яқин боғланган.

Ушбу иш сувларни зарарсизлантиришнинг янги технологик жараёнини ишлаб чиқиш ва тажрибалар утказиш йули билан танланган усулнинг афзалликларини аниқлаш, унинг қўлланиш соҳаларини асослаш, айрим ҳолатларда сувлардан техник мақсадда қайта фойдаланишга бағишланган. У Ўзбекистон Республикаси Ф ва ТДК нинг ИТД-7 сонли давлат дастури доирасида бажарилган. Ушбу ишни мақсадини қуйидагича : “Табиий ва оқова сувларни зарарсизлантиришни назарий ва тажрибавий усулларини ишлаб чиқиш, сувларни қайта фойдаланишга тайёрлаш ва атроф муҳитга салбий таъсирини йукотиш ”деб таърифлашимиз мумкин. [15]

- **Ишнинг асосий мақсади** ушбу масалаларни ечишдан иборат:

- Сувларни зарарсизлантиришнинг мавжуд технологияларини урганиш ва илмий-танкидий таҳлили, уларнинг самарадорлигига атрофлича баҳо бериш ва истиқболли йўналишни аниқлаш;

- Сувни зарарсизлантириш усулларининг истиқболли йўналишини тажрибада ўрганиш.

- Электролиз йўли билан натрий гипохлориди олиш бўйича лаборатория ва ярим саноат шароитида назарий ва тажрибавий текширувлар олиб бориш.

- Сувларни зарарсизлантиришни технологик шаклини ишлаб чиқиш, текширилган усулларни техник-тежамкорлигини баҳолаш ва олинган натижаларга қараб зарарсизлантириш бўйича ихчам қурилма яратиш.

Диссертация мавзусининг долзарблиги

Мамлакатимиз иқтисодиёти асосларининг бозор муносабатларига асосланиши жамиятимизнинг ривожланиши, ундаги иқтисодий ва ижтимоий таркибий тузилишларида кескин узгариш ясашига сабаб булди.

Республикамизнинг иқтисодий ривожланишининг бозор иқтисодиётида II босқичи, ишлаб чиқарилишни кичик корхоналарда, микро фирмалар ва фермер хужаликларида ташкиллаштириш ва уларда «эгиловчан» технологияларни жорий қилиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган. [3]

Мамлакатимизда холи сонининг кундан кунга ортиб бориши, саноат, энергетика ва кишлок хўжалигининг ривожланиши сув истеъмолини оширади ва шунга мос ҳолда, фойдаланиш жараёнида пайдо бўлган ифлосланган оқова сувлар миқдори ошади, бу эса уз навбатида атроф-мухитга санитар-экологик хавф туғдиради.

Ўзбекистон фуқароларнинг саломатлигини сақлаш ва зарур ҳолларда уларнинг саломатлигини яхшилаш давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, усимлик ва хайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир. Улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» деб курсатилган. [2]

54-моддасида уқтириладики «Мулкдор мулкига уз хохишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик мухитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда конун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт».

50-моддада эса «Фуқаролар атроф табиий мухитга эҳтиёткорона муносабатда булишга мажбурдирлар» деб ёзилган. [27]

Булардан куришиб турибдики, аҳолининг кўпайиши билан бир қаторда уларни сифатли, етарли даражада ишончли сув билан таъминлаш давлатимизнинг ижтимоий сиёсатининг бош йўналишидир. Шунингдек, саноат, энергетика ва кишлок хўжалигини ривожлантиришда ва курилишни олиб боришда, сувдан самарали фойдаланиш ва пайдо буладиган оқоваларни атроф мухитга зарар етказмаслигини таъминлаш зарур. Корхонада сувдан фойдаланиш ва оқова сувни тозалашда, зарарсизлантиришда кам харажатли, фойдаланишда қулай курилмаларнинг қулланилиши корхонага катта иқтисодий самара келтириши билан бир қаторда атроф мухитга чиқариладиган оқова сувлар миқдорини деярли бартараф этади. Бу шу куннинг долзарб масаласидир.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари.

Мамлакатимиз аҳолисининг кундан кунга кўпайиши, иқтисодиётининг бозор муносабатларига утиш натижасида шаҳар ва кишлокларда куплаб янги корхоналар пайдо булиши, уларнинг сув таъминоти учун сифатли ичимлик сувни

тайёрлаш, етказиб бериш ва оқоваларини тозалашда уларнинг тўлиқ зарарсизлантирилиши амалга ошириш ҳамда сувдан самарали фойдаланиш даражасини янада кўтариш муаммолари мавжуд. Шу сабабли, табиий ва оқова сувларни тозалаш ва зарарсизлантиришда ихчам, уз-узини тозалай оладиган фойдаланишда қулай ишлатиладиган қурилмаларни ишлаб чиқиш ва амалда улардан фойдаланиш ута долзарбдир. [5]

Табиатнинг экологик мувозанатини сақлаш, сув захираларидан самарали фойдаланиш, очик сув хавзаларини турли хил ифлосланишларини олдини олишда оқова сувларни тозалашнинг сифатини ошириш, жумладан, унинг бактериологик сифат кўрсаткичларини давлат стандарти талабларига мос ҳолатда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Табиий ва оқова сувларни тозалашда кимёвий ва физик-кимёвий усуллардан фойдаланилади. Тозалаш усулларини ва иншоотларини танлашда тозалаш даражаси, сув ўтказиш қобилияти, чўкмаларга ишлов бериш усуллари, оқова сувларнинг таркиби, маҳаллий шарт-шароитлар ва иктисодий курсаткичлар инобатга олинади.

Одатда ишлатилиб келинаётган табиий ва оқова сувларни тозалаш технологиялари ифлосликларни, эриган холдаги моддаларни ажратилишини кузда тутуди. Бу кетма-кетлик тозалаш учун қулай шароит яратади. Шунинг учун ҳам урта ва катта тозалаш шахобчаларида шартли равишда панжаралар, қумтутчиқлар, тиндиргичлар ва фильтрлар қулланилади. Хар бир услуб узига хос тозалаш қобилиятига эга. Масалан, механик услуб ёрдамида фақат улчамга, хажмга эга ифлосликларни ажратиш мумкин, биологик иншоотларда эса коллоид ва эриган моддалардан тозалаш мақсадга мувофиқ. Тозаланган табиий ва оқова сувлар истеъмолчи ёки сув хавзаларига оқизилишидан аввал, албатта, зарарсизлантириш жараёнидан ўтказимоғи шарт.

Биологик услуб ёрдамида оқова сувларнинг КБЭ сини 15-20 г/м³ гача тушириш мумкин. Тозалаш даражасини бундан ҳам ошириш учун сувларга фильтрларда, биологик ховузларда ёки бошқа иншоотларда қушимча ишлов бериш лозим.

Табиий ва оқова сувларни тозалаш шахобчаларида иншоотларнинг жойланиши - ажратилган майдондан самарали фойдаланишни, келажакдаги ривожланишни, турли иншоот ва биноларни бирлаштиришни, муҳандис тармоқларни қисқартириш, оқова сувларни узи оқарлигини таъминлаш лозим.

Табиий ва оқова сувларни тозалаш янги шахобчаларини қуриш ва фаолият курсатаётганларини реконструкция қилишда фойланишда қулай, ишлаши ишончли булган конструкциялар қуллаш талаб қилинади. [31]

Табиий ва оқова сувларни тозалашнинг анъанавий шакли, яъни йирик улчамли ифлосликларни панжаралар, қумтутгич, бирламчи ва иккиламчи тиндиргичлар, филтрлар ёрдамида ажратиш ва уларни зарарсизлантириш меҳнатни куп талаб қилади ва иктисодий жихатдан қимматга тушади. Табиий ва оқова сувларни тозалашнинг бу классик технологияси, фан ва техниканинг жадал суръатлар билан ривожланиши сабабли, замонавий талабларни қаноатлантирмай қуйди. Хозирги пайтда уларнинг урнига тиркишли ёки турсимон, уз-уздан тозаланидиган филтрловчи қурилмалар ва мой тутгичлар, сувни зарарсизлантиришнинг замонавий усуллари кенг қўлланилмоқда.

Муоммонинг ишлаб чиқилиш даражаси.

Сувни зарарсизлантириш амалиётида жуда кўп турдаги услублар қўлланилиб келмоқда. Уларни бизнинг мамлакатимизда қўллаш ҳар доим ҳам кутилган самарани бермайди. Чунки, уларнинг бири атроф муҳитга катта экологик хавф тўғдирса, бошқаси нинг зарарсизлантириш бўйича етарли даражада ишончли эмас, яна бошқаси эса иктисодий жихатдан жуда қиммат. Шу сабабдан, бизнинг мамлакатимиздаги сувларнинг таркибий тузилиши, уларнинг сифат курсатгичлари, ҳажми ва иншоотларнинг ишлаш тартибларига мос, маҳаллий хом ашёларга асосланган ва улардан фойдаланишда қулай бўлган технологияларни ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Кейинги пайтларда ривожланган мамлакатларда, табиий ва оқова сувларни зарарсизлантириш мақсадида тайёрланиши осон, ихчам ва фойдаланишда қулай булган хар-хил конструкцияли зарарсизлантириш иншоотлари кенг қулланилмоқда.

Бу қурилмалар металл ва темирбетондан жойида ясаши мумкин. Улар табиий ва оқова сувларни зарарсизлантиришда яхши самара беришмоқда. Аммо бу қурилмалар бизнинг шароитда ишлаб чиқилмапти ва жойларда тайёрлангануचा йук.

Мазкур ишда Табиий ва оқова сувларни электролиз усулида натрий гипохлориди билан зарарсизлантириш усулида ишлов бериб, уларни зарарсизлантириш ва баъзан, ифлослантирувчи моддаларни ажратиш ва сувни қайта фойдаланишга юбориш имкониятлари яратиш тадқиқ қилинади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

Бажарилган магистрлик диссертациясида қуйидаги илмий техник янгиликлар амалга оширилган:

- Сувни зарарсизлантиришнинг мавжуд услублари, усуллари ва технологик шаклларида фойдаланиш самарадорлик даражаси ўрганилган ва баҳо берилган;
- Сувни зарарсизлантиришнинг мавжуд технологик тизимларининг ишлаш тартиби, унда самарадорликни ошириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган;
- Табиий ва оқоваларини тозалаш, зарарсизлантириш ва уларни қайта фойдаланишга тайёрлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, унинг афзаллик жиҳатлари кўрсатилган.
- Ҳозиргача сувни зарарсизлантиришнинг мавжуд услублари, усуллари ва технологик шаклларида сув таъминоти ва канализация тизимларида қўлланишининг самарадорлигига экологик баҳо берилган:

Тадқиқот предмети.

Мазкур магистрлик диссертациясининг тадқиқот предмети – табиий ва оқова сувларни зарарсизлантиришнинг мавжуд услублари, усуллари ва технологик схемаларини ўрганилиб чиқиш ва энг прогрессив технологиялар асосида, мамлакатимиз шарт-шароитига мос технологиясини яратиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

I-боб СУВНИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ.

Хўжалик-ичимлик сувини коагуляциялаш (чўкма ҳосил қилиш) йўли билан тиндириш ва рангсизлантириш ва кейинчалик чўкмаларни чўктириш ва филтрлашда бактерияларни 90-95% и йўқотилади, қолган қисмини йўқотишни охириги поғонаси уни зарарсизлантириш ҳисобланади.

Қолган қисмида касаллик тарқатувчи бактерия ва вируслар бўлиши мумкин. Ер ости сувларидан кўпчилик ҳолларда зарарсизлантирилмасдан фойдаланиш мумкин. Сувни тайёрлаш усуллари технологияси жуда кўп бўлиб уларни тўрт асосий синфларга ажратиш мумкин:

- термик;
- кучли оксидловчилар ёрдамида;
- олагодинамия (нодир металллар ионларига таъсир қилиш);
- физикавий (ультра товуш ёрдамида, радиактив нурланиш, ультра нурлар ёрдамида).

Юқорида санаб ўтилган усуллардан энг кўп фойдаланиладигани иккинчи гуруҳ усуллари ҳисобланади. Оксидловчилар сифатида хлор, озон, хлор икки оксиди, йод, калей нордон марганеци, водород перексиди, натрий гипохлорит ва калцейдан фойдаланилади. Ўз навбатида санаб ўтилган оксидловчиларга амалда кўпроқ хлор, озон ва натрий гипохлоритига кўпроқ эътибор берилади. Сувни зарарсизлантириш усуллари тинлашда, қайта ишланадиган сувни сифатига ва миқдорига, бирламчи сувни тозаланиш самарадорлигига, реагентларни ташиб келтирилиш шароитига ва сақланишига, жараёнларни автоматлаштиришга ва оғир ишларни механизациялаштиришга эътибор берилади.

Сувни зарарсизлантириш усулидан сув бирламчи тозалашдан, коагуляциялашдан, тиндирилгандан ва сузиб юривчи буюмлар қатламида рангсизлантирилгандан, филтрлангандан сўнг фойдаланилади.

1.1 Сувни хлорлаш

Сувни тозалаш иншоатларида хлорлаш йўли билан сувни зарарсизлантиришда хлорли охакдан фойдаланилади; хлор ва уни брикмалари таъсирида сувдаги бирламчи плазма клеткаларини оксидланиши натижасида

бактерия ва вируслар нобуд бўлади. Хлор органик брикмаларга ҳам таъсир қилиб уларни оксидлайди. Сув яхши хлорланиши учун сув яхши аралашини сўнгра 30 минут (хлорлаш аммонийлаш билан бирга олиб борилганда 60 минут) давомида сув истеъмолчига берилгунга қадар сақланиши лозим. Сувни хлор билан тегиб туриши филтрланган сувни идишларида ёки қувурлар етарли даражада узун бўлса қувурларда амалга оширилади.

Хлорни миқдори 1 мл сувга нисбатан олинган ҳисоблардан келиб чиқиб 0,3-0,5 мг хлор деб олинини керак. Бунда филтрланган сувни хлорлашда сувни хлорни ютилишига қараб 2-3 мг/л қилиб, ер ости сувларини хлорлашда эса 0,7-1,0 мг/л қилиб олинади. Филтрланган сув идишларини ювишда ва таъмирлашда, сувни хлор билан тегиб туриши яхши таъминланмаганда хлорни миқдори икки қарра кўпайтирилади.



Сувни хлорлаш суюқ (газсимон) хлор билан амалга оширилади. Ҳарорат ва атмосфера босими юқори бўлганда хлор кўкимтир-сарик рангдаги буғувчи ҳидга эга бўлган газ сифатида уни зичлиги ҳавога нисбатан (1,5-2,5 маротаба юқори) анча юқори бўлади. Ҳажми кичик бўлган сув тозалаш (3000 м³/сўткагача) иншоатларида хлорли оҳакдан фойдаланишга руҳсат этилади. Юқори босимда (юқори ҳароратда) хлор суюқ ҳолатга ўтади. Бундай кўринишда хлор махсус пўлат идишларда (0,6-1,0 мПа) сақланади.

Бугунги кунда хлор ишлаб чиқарувчи заводлар асосан балонларни икки туридан фойдаланиб Е-24 маркали ҳажмли 25-30 кг ва Е-54 маркали ҳажми 100 кг бўлган истеъмолчиларга суюқ хлор етказиб беришади.

(1.а, б-расм) **Баллон Е-24 ва хлор учун бока**

(а)

(б)



Қуввати 100 минг м³/суткадан кўп бўлган йирик сув тозалаш иншоатларига суяқ хлор ҳажми 48 т. бўлган темир йул цистерналари ёрдамида етказиб берилади, ва ўлчами 700 дан 3000 кг гача суяқ хлор сақлай оладиган бочкаларда сақланади.

Хлор хўжалиги хлорни қабул қилиш, сақлаш, суяқ хлорни буғлатиш ва хлорли сув ҳосил қилиш қилиш учун газсимон хлорни ҳосил қилишни таъминлаш зарур.

Хлор хўжалиги алоҳида жойлашган биноларда жойлашиб унда хлор тарқатувчи омбор, буғлатувчи ускуналар ва хлорни сувга микдорлаб қўшувчилар бўлиши лозим. Тарқатувчи омборни алоҳида бинога ёки хлорлаш хўжалиги биноси яқинида жойлаштириш мумкин, бунда омбор девори ҳеч қандай ўйиқларсиз, жавмие бўлиши керак.

Хлор омборини хлорлаш хўжалиги таркибига киритмасликга рухсат этилади, лекин бунда оғирлиги 70 кг дан кўп бўлмаган битта суяқ хлор сақловчи балондан фойдаланишга рухсат этилади. Буғлатгичи бўлмаган микдорлаб хлорни қўшувчилар хўжаликни бошқа бинолари билан бирга ёки ёрдамчи бинолари билан бирга жойлашуви мумкин, бунда деворлар бутун ҳеч қандай ўйиқларсиз ва ташқарига чиқувчи йўлак иккита, буларни бирида тамбур бўлиши керак. Хлоли сувни узатувчи қувурлар поливинил хлорид, резина, зичлиги юқори бўлган полиэтилен ва бошқа материалдан ясалиши лозим.

Сувни хлорлаш энг ишончли усул ҳисобланади, сабаби кўпчилик эпидемия тарқалувчи бактериялар (ички аъзоларни захарловчи, сил ва дизентерия, холера ва полиомиелит ва энцефалит ва бошқалар). Хлорга нисбатан ўта чидамсиз ҳисобланади. Катта йириккландиган бактерияларни хлор ўлдирмайди бу уни энг ката камчилиги ҳисобланади.



Ушбу реакция натижасида ҳосил бўлган хлорли кислота шўр кислотани ва атомарли кислородни ҳосил қилади (тенг микдордаги ва ишқорли мухитда) Улар Ю.Ю.Лурье нинг фикрига кўра рН кўрсаткичига қараб гипохлорит

ионларини (OCl) ҳосил қилади бунда микроорганизмларга хлорли кислота ҳам ва кўп миқдорда гипохлорит ионлари таъсир қилади.

| pH | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
|---------|-------|------|------|------|------|------|------|------|
| OCl-, % | 0,05 | 0,5 | 2,5 | 21,0 | 75,0 | 97,0 | 99,5 | 99,9 |
| HOCl, % | 99,95 | 99,5 | 97,5 | 79,0 | 25,0 | 3,0 | 0,5 | 0,1 |

Хлорни ўрнига хлорли оҳадан фойдаланилганда реакция қуйидаги кўринишда бўлади.




Кейинчалик хлорли кислотани диссоциацияланиши юқорида айтганимиздек давом этади.

Хлорлаш даврида бактерияларни ҳаётини давом этишлиги хлорни миқдори ва хлор билан сувни бири-бирига кўпроқ тегиб туришига боғлиқ. Шунинг учун бир хил сувни хлорлаш микроорганизмларни, органик ва органик бўлмаган бирикмаларни оксидланишуви учун сарфланадиган хлор миқдори ўзгарувчан катталиқ бўлиб, киритилган хлорни миқдори ва сув ва хлорни тегиб туриш миқдори, pH катталигига, сувни ҳарорати ва бошқаларга боғлиқ. (2-расм). Булардан кўринадики хлорлаш учун киритилган хлорни миқдорини бактериялар ва органик бирикмаларни тўлиқ оксидланишувини ҳисобга олиб кўпроқ бериш керак бўлади. Сувга қўшилган хлор ва хлорни қолдиғи орасидаги боғлиқлик тўғри чизик кўринишида бўлади. (3-расм). Агар хлорланаётган сувни таркибида аммиак бўлса бу чизик эгрироқ бўлади. Эгри чизикдаги биринчи қиялик 2 монохлорамин (NH_2Cl) ни ҳосил бўлишига боғлиқ. Иккинчи эгрилик монохлороминни ортиқча хлор билан оксидланишув пайтига мос келади.

2-расм. Сувда хлорни ютилишини вақтга боғлиқлик графиги


сувда
хлорни
ютилиши
мг/л.



Сувни хлор билан тегиб туриш вақти, мин.

3-расм. Сувдаги хлор қолдиғини сувга қўшилган хлор миқдорига боғлиқлик графиги

хлор
қолдиғи
миқдори
мг/л




сувга қўшилган хлор миқдори, мг/л

1. Сувда аммиак бўлмаганда


2. Аммиакни миқдори 0,5 мг/л бўлганда

Амалда бирламчи сувни сифатига қараб бир ва икки маротабали хлорлашдан фойдаланилади. Юқори ранглили ва органик брикмаларга ва бактерияларга бой бўлган сувларни қайта ишлашда икки карали хлорлашдан фойдаланилади. Бунда хлор кўпик ҳосил қилувчи камера олдига ёки тиндиргични олдидан қўшилади (бирламчи хлорлаш) сўнгра эса филтрланган сувга тоза сув идишидан олдин қўшилади. Бирламчи хлор органи химояланувчи коллоид буюмларни, ҳамда сувни рангига таъсир қилувчи буюмларни оксидланишуви учун қўшилади. Бирламчи хлорни миқдори анча юқори бўлиб 10 мг/л гача бўлиши мумкин.

Бази ҳолларда сувни хлорлаш учун хлорни миқдорини анча орттириш талаб қилинади, яъни зарарсизлантириш учун кетадиган хлор миқдорини сув хлорлангандан сўнг ундаги қолдиқ хлор миқдори анча юқори (1...7 мг/л) бўлади, шунинг учун базада сувдан хлордан тозалаш талаб этилади. Бунинг учун сувни натрий сульфат, олтингугурт гази ва филтрланган сувни тўйинтирилмаган кўмир орқали ўтказтириб амалга оширилади. Сувга натрий сульфит билан ишлов бериш қуйидаги реакция орқали амалага ошади, 3,5 мг га 1 мг хлор билан ишлов беришда ($\text{Na}_2\text{SO}_3 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$).




Олтингугурт гази билан ишлов беришда (1:1 нисбатда) реакция қуйидагича кечади.



Ичимлик суви истеъмолчиларга юборилишидан олдин идишларда ва сув ўтказгичларда (1,5 соатдан ортик) туриб қолса, хлорни бактерияларга таъсирини ошириш ва хлор ҳидини йуқотиш мақсадида унга аммиак ҳам қўшилади. Аммиак қўшиш хлор миқдорини камайтиради ва бази ҳолларда сувни таъмини яхшилайдди. Хлорли кислотани (сувни хлорлашда ҳосил бўлади) аммиак билан таъсири натижасида монохлор аминлар ҳосил бўлади.

$\text{HOCl} + \text{NH}_3 \rightleftharpoons \text{NH}_2\text{Cl} + \text{H}_2\text{O}$ улар гидролизланиб кучли оксидловчи – гипохлорит ионини ҳосил қилади.




Хлораминларни гидролизланиши жуда секин кечади, шунинг учун биринчи пайтда хлорга қараганда хлораминларни оксидлаш даражаси паст, аммо хлораминларни бактерияларга тасир кучи анча узок, шунинг учун сувни

идишларда узоқ вақт сақлашдан олдин аммонизациялаш қўлланилади. Хлор ва аммиакни нисбати бирламчи сувни сифатига боғлиқ. Кўпинча монохлораминларни ҳосил бўлиши учун аммиакни миқдорини хлорга нисбатан 5-6 марта кам олинади, бу оптимал вариант ҳисобланади.

Аммиак хўжалигини ҳам худди хлорлаш хўжалигига ўхшаш қилиб бажарилади фақат алоҳида хонага жойлаштирилади. Аммиак тарқатувчи омборда балонларда ёки контнейрларда сақланади. Аммиакни филтрларга хлордан 2-3 минут олдин солинади.

Сувга хлор, аммиак ва олтингугурт газини қўшиш учун ЛОНИИ-100 (4-расм) ва Кульский Л.А нинг вакуумли газ бўлиб бергичларидан фойдаланилади. (5-расм). Махсус тарозиларга ўрнатилган балонлардан, суёқ хлор оралиқ балонига ўтади, у ерда у буғланади ва хлорни ифлословчи брикмалардан тозаланади. Ундан сўнг газсимон хлор шиша момиқли филтрдан ўтади (охирги тозалаш) ва пасайтирувчи редукторга юборилади. Босимнипасайиш даражаси редукцион клапнгача ва ундан кейин ўрнатилган монометрлар билан ўлчаб турилади. Диафрагма ёрдамида босим тўсишига эришилади. У хлорни миқдорини ўлчаш импульси ҳисобланади, сўнгра хлор аралаштиргичга тушиб сув билан аралашиб, хлорли сув ҳосил қилади ва электр ёрдамида сўрилиб истеъмолчига узатилади.


4-расм. Вакуумли хлоратор ЛОНИИ-100;



1.оралиқ балони, 2.шиша-момикли фильтр, 3.Хлор-газни босимини туширивчи редукцион клапан, 4.манометр. 5.ўлчовчи диафрагма, 6.ротометр, 7.аралаштиргич, 8.хлораторда вакуум ҳосил қилувчи электр. 9.хлорли сувни чиқариш.

Кульский Л.А нинг вакуумли ўрта қувватли, хлорни миқдори 0,5-4,5 кг/соат ЛК-11 ва паст қувватли, хлорни миқдори 40-800 г/соат атрофида бўлган ЛК-10 хлораторлари (5.а,б-расм)ларда кўрсатилган.

5.а,б-расм Кульский Л.А нинг вакуумли хлораторлари.



1.хлорни миқдорлаб қўшиб турувчи микровентиль.

2.хлор-газни ўлчовчи ротацион ўлчагич.

3, 4.сув ва ҳаво клапани.

5.сувли-оқимли насос.

Захирадаги хлораторлар сонини хлор бир жойдан киритилганда: 1..2 ишчи хлоратор учун битта захирадаги, иккитадан кўп бўлса иккита захира хлоратор олиш керак.

Бирламчи ва иккиламчи хлоратор учун умумий хлорлаш хлораторларидан фойдаланишга рухсат этилади.

Битта стандарт балондан хона ҳароратида 0,5-0,7 кг/соат кўп бўлмаган хлор-газ олиш мумкин. Шунинг учун йирик сув тозалаш иншоотларида балонлардан хлорни чиқариш учун балонлар иситилади (10..30⁰С да иссиқ су вёки иссиқ ҳаво билан). Қиздиргичлар сувни ҳароратини ва хлони ва сувни босимини назорат қилувчи жихозлар билан таъминланган бўлиши керак. Йирик сув тозалаш иншоотларида хлорни ажратиш учун, хона ҳароратида 1 м² га 3 кг/соат ажратувчи бочкалардан фойдаланилади.

Хлор захарли газ бўлганлиги учун, хлоратор ускуналарини лойихалашда, хизматчиларни хавфсизлигини таъминлаш мақсадида махсус чоралар кўриш талаб этилади. Бундай чораларга: хлоратордан чиқувчи бўлаклар сони иккита бўлиши, хлоратор биносини биринчи қаватда жойлашуви, сўрувчи ва чиқарувчи вентиляцияни мавжуд бўлиши, махсус химоя қилинган ёритиш мосламаси борлиги, махсус кийимлар билан жихозланган тамбурни мавжудлиги, противогаз мавжудлиги, ҳамда ёритиш мосламаларини ва вентиляция тизимларини ўчириш ва юргизиш мосламаларини мавжудлиги киради. 1,0-1,5 % ли хлорли охак ёрдамида сувни хлорлашда аралашмани тайёрлаш коагулянт аралашмаси каби амалга оширилади. Аралашмани қуйиш ҳам худди коагулянт қуйиш каби амалга оширилади. Хлорли аралашмани кучли занглашга олиб келишни ҳисобга олиб идишлар ёғочдан, пластмассадан ва темирбетондан, арматуралар ва қувурлар эса полиэтилен ёки ванипластдан ясалади. Аралашма тайёрловчи бакни ҳажми қуйидаги формула билан аниқланади.

$$V_{\text{аралашма}} = \frac{qnDx}{100b_{x.o} \cdot c \cdot \rho}, \quad (\text{м}^3) \quad (1)$$

бу ерда: q – сувни миқдори (м³/соат)

n – 12-24 с. Аралашма тайёрлашга кетган вақт (соат)

Dx – хлор миқдори мг/л

b_{x.o}-аралашма миқдори 1-2 %

c – 25-30 хлор миқдори, %

ρ - 1-аралашма зичлиги, т/м³

1.2 Сувни зарарсизлантирувчи электролиз ускуналар.


Сувни хлор ёрдамида зарарсизлантиришни асосий камчилиги уни ташиш ва сақлашда алохида махсус чора-тадбирлар кўриш ҳисобланади. Бу камчилик бизни мамлакатимизда, майдонини жуда катталиги сабабли махсулотни заводдан истеъмолчига етказиб беришда жуда сезилади. Сув тозалаш иншоатларини махсус омборлардан аҳолии яшаш жойларига хлорни сизиб чиқиши хавфлилиги бу усулдан фойдаланишга кўпинча тшсқинлик қилади. Хлор охагидан ва кальций гипохлоридидан фойдаланиш техник жихатдан осон, аммо йирик сув тозаловчи иншоатлар учун қиммат.

Сув тозалаш иншоатларида ичимлик сувини зарарсизлантиришни келажакдаги мақул усулларида бири, хлор сарфи бир кеча-кундузда 50 кг гача бўлган тозалаш иншоатларида, ўша жойни ўзида электролиз ёрдамида ош тузидан ёки минераллашган сув, таркибида 50 г/л дан кам бўлмаган хлорид бўлган натрий гипохлорити (NaClO)дан фойдаланиш ҳисобланади. Натрий гипохлоритни электрохимиявий олиш усули хлорни олишга ва бир ускунани ўзида ишқор билан таъсирланишуви –электролезёрда амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимизда ўткир хлор ишлаб чиқариш қуввати бир суткада 1 дан 100 кг гача бўлган, мукаммаллашган ЭН турдаги электролиз қурилмалар ишлаб чиқарилмоқда. Унча катта бўлмаган сув тозалаш иншоатларида бир суткада (0,1 дан 0,2 кг/сут) ўткир хлор ишлаб чиқувчи ВИЭСХ маркали электролизер, ҳамда ЭН-1 ва ЭН-5 маркали бир неча кундузда 1-5 кг ўткир хлор ишлаб чиқувчи электролизерлардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Агар зарурият туғилса натрий гипохлоритни олишни бир жойда ташкил қилиб қолган истеъмолчиларга тарқатиш мумкин. Бундай ҳолларда ЭН-25 ва ЭН-100 маркали суткасига 25 ва 100 кг ўткир хлор ҳосил қилувчи қурилмалардан фойдаланилади. Электролизерларни сони учтадан кам бўлмаслиги керак, уларни биттаси захирада туради. Тўғри оқимли бўлмаган электролизер қурилмаси (6-расм) қуйидаги асосий тугунлардан: Тузни эритиш

баки, сўрувчи вентиляцияси бўлган зонтли электролизер, натрий гипохлоритни йиғувчи бак, тўғриловчи агрегат ва автоматика элементларидан иборат.



6-расм. Электролиз қурилмаси.

- 1.2. аралашма учун ва ишчи бак
- 3.сузиб юрувчи микдорлаб қўшиб тургич
- 4.уч ёқламали тақсимлагич.
- 5.насос.
- 6.электролизер.
- 7.сурувчи вентилятор зонти.
- 8.натрий гипохлоридини йиғиш баки.

У қуйидагича ишлайди. Эритувчи идишга ош тузи солиниб сув қуйилади ва насос ёрдамида тўйинган ош тузи (280-300 г/л) аралашмаси ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Сўнгра насос ёрдамида электролизерга узатилади, у ерда ичимлик суви билан ишчи микдоргача (100-120 мг/л) аралаштирилади. Тайёр аралашма йиғиш-идишига қуйилади, у ердан қайта ишланадиган сувга ўлчаб қуйилади. Электролизерни технологик тавсифи 1 –жадвалда келтирилган.

| кўрсаткич | Ускуна индекси | | | |
|-------------------------------------|----------------|---------|-----------|-----------|
| | ЭН-1 | ЭН-5 | ЭН-25 | ЭН-100 |
| Ўткир хлор бўйича кўрсаткич, кг/сут | 1 | 5 | 25 | 100 |
| Ток юкламаси, А | 60...70 | 60...70 | 120...140 | 400...450 |

| | | | | |
|--|------------|----------|---------|-----------|
| Ишчи кучланиш, В | 40...42 | 40...42 | 55...65 | 220...230 |
| Аралашмадаги ўткир хлор миқдори, г/л | 6...7 | 6...7 | 10...12 | 10...12 |
| 1 кг ўткир хлор сарфи: тузга, кг | 15...13 | 15...13 | 10...8 | 8...9 |
| Электр энергияга кВт/соат | 6..7,5 | 6...7,5 | 8...9 | 10...12 |
| Электролитек ваннани ҳажми, м ³ | 0,4 | 0,4 | 1 | 2,9 |
| Бир жараён давомида ўткир хлор бўйича ишлаб чиқариш қуввати, кг | 0,33..0,25 | 2,4..2,6 | 10...12 | 25...33,3 |
| Бир жараённи давомийлик вақти, соат | 0,75..0,9 | 7...8 | 10...12 | 5...6 |
| Бир кеча-кундузда тавсия килинадиган жараёнлар сони | 3...5 | 2 | 2 | 3...4 |

Электролизерларни алохида хоналарга ўрнатиш тавсия этилади. Битта хонада электролизерни ва йиғиш бакини ўрнатишга рухсат этилади. Натрий гипохлорит аралашмаси йиғиш бакига ўзи оқиб тушиши керак, электролизер ва йиғиш баки орасидаги баландлик 0,1-0,2 м дан кам бўлмаслиги керак.

Қуввати 5 минг м³/сут бўлган қурилмаларда сувни зарасизлантириш, бирламчи сувда хлоридларни миқдори 20 мг/л дан кам бўлмаган ва қаттиқлиги 7 мг-экв/л гача бўлганда тўғридан-тўғри электролизлаш орқали амалга ошириш мумкин. Медриш Г.Л. нинг айтишига кўра, жараён икки босқичда амалага оширилади.: оксидловчиларни электр-химиявий олиш ва уларни зарасизлантирилаётган сув билан аралашуви. Тўғридан-тўғри электролизлашда қўлланилаётган анодни тури энг асосийси ҳисобланади.

Платина-титанли анод (ПТА) ва окисрутенли анодлар жуда макул келади.

Мамлакатимиз саноатида рутений икки оксиди аноди ва титандан қилинган катодли “Поток” турдаги электролизларни кўплаб ишлаб чиқарилмоқда, уларни пластина ораларидаги 3 мм ли масофа навбатма-навбат такрорланиб туради. Қурилма электролизердан, электр таъминоти блокдан ва ёпиқ кислота айланиб турувчи контурдан иборат.

Электролизер ичига электродлар жойлашган параллелепипед кўринишида бажарилган. Кислотали контур аппаратни 3-5 % ли кислота билан катодли туз йиғилмаслиги учун ювиб турилади. Қайта ишланадиган сув пастдан юқорига ҳаракат қилиши натижасида электролизерни электродлари орасида сувни зарарсизланиши содир бўлади, ҳар 30 минутдан сўнг қолдиқ хлорни миқдори 0,3-0,5 мг/л ни ташкил қилади.

2-жадвалда “Поток” қурилмасини ишлаш параметрлари кўрсатилган.

| Катталиклар | Бирламчи сувдаги хлоридлар мавжудлигининг параметрлари қиймати, мг/л | | |
|--|---|----------|-----------|
| | 20...50 | 50...100 | 100...200 |
| Хлор миқдори, г/м ³ | 1 | 1 | 1 |
| Ишлаб чиқариш қуввати, м ³ /соат хлорни ток бўйича чиқиш коэффициенти | | | |
| 0,2 | 5...7 | 8...10 | 9...11 |
| 0,4 | 8...9 | 11...13 | 14...16 |
| 0,6 | 11...12 | 15...17 | 20...23 |
| 0,8 | 14...16 | 20...24 | 28...32 |
| Кучланиш, В | 8...11 | 6...8 | 4...6 |
| Токни анодли зичлиги, А/м ² | | 80...100 | |
| Электродлар орасидаги масофа | | 3...5 | |

Ҳисоблар ва амалиётлар шуни кўрсатдики, ер ости сувларини тўғридан-тўғри электролиз ёрдамида зарарсизлантириш, ушбу усулдан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди.

1.3 Сувни озонлаш.

Озонлаш –сувга ишлов беришда унинг зарарсизлантириши ва оргонолептик кўрсаткичларини яхшилаш мақсадидаги перспектив(истикболли) усулларида бири ҳисобланади. Сувни озон билан зарарсизлантириш тажрибалари биринчи мартаба Францияда 1886-йилда Де Меритенсон томонидан бажарилган. Шу пайтдан буён озонни қўлланилиши билан боғлиқ физик-кимёвий, технологик ва



гигиеник масалаларини ўрганишига йўналтирилган ватанимизда ва чет эллардаги изланишлар ҳамон тугаллангани йўқ.

Сувни озонлаш, сувни зарарсизлантиришни бошқа усуллари олдида туб афзалликларга эга: йирик реагунт хўжаликларни йўқлиги, жараёнларни тўлиқ автоматлаштириш имконияти, қурилмаларни мужассамлиги, уларни ишлатилишдаги қулайлиги, сувга ишлов беришда юқори самара ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини беради.

1.3.1.Озон қўлланилишининг хоссалари, ишлаш принциплари (тарзлари) ва шартлари.

Озон, кислороднинг аллотропик модификацияси бўлиб ҳисобланади ва нормал ҳарорат ва босимда хира бинафша рангдаги газдир. Озон, - 111,9 °С ҳароратда, қора-кўк рангдаги турғунсиз суюфликка айланади. Сувни технологик тозаланишида газ ҳолатдаги озон қўлланилади.

Озон молекулалари нихоятда турғунсиздир ва осонгина кислородни атом ва молекулаларга бўлади (парчалайди).



Озоннинг парчаланиш тезлиги рН қийматини, ҳароратни ва сувни минераллик даражасини ошишида, ўсади.

Озонни эрувчанлиги, сувдаги органик моддаларнинг таркибига, босимга, ҳароратга ва рН кўрсаткичга боғлиқ бўлади.

Озон – кучли оксидловчидир. Ҳозирги замон тасаввурларига биноан, озон билан сувни зарарсизлантириш механизми, жонзот ва ўсимлик организмлари таркибидаги энзималарни (оқсил табиатининг мураккаб органик моддалари) инактивизациялаштириш хусусиятидир.

Тоза озон портлашга мойил негаки, унинг парчаланишида, катта миқдордаги иссиқлик ажралади. Озон, агар унинг озон – ҳаво аралашмаси концентрацияси 10 % (140 г/м³) дан ошмаса портламайди.

Озон захарлидир ва нафас олиш органларини шикастлантириши мумкин. Одамлар ишлаётган хона ҳавосидаги озоннинг рухсат этилган таркиби 0,0001 мг/л дан ошмасилиги керак.

Сувни зарарлантириш учун зарурий озон меъёри, ундаги органик моддаларнинг, ҳароратни ва сувни рН кўрсаткичи таркиблари бўйича варсирация этилади.

Қурилиш меъёрлари ва қоидаларига (ҚМК) биноан ер ости манбаларидаги сувни зарарсизлантириш учун 0,75-1, филтрланган сувлар учун 1-3 мг/л озон меъёри тавсия этилади.


Қатор ҳолатларда, озонлаш сувга ишлов беришнинг универсал (ҳар томонлама, ҳар ёқлама) усули бўлиб ҳисобланади, негаки, сувни зарарсизлантириш ташқари, дезодоризация қилинади ва ундан рангини ўзгартирувчи органик моддалар чиқариб юборилади. Ушбу ифлослантирувчиларни чиқариб юбориш учун сувни хлорлаш, коагуляциялаш, ва кўмирлаш талаб этилган бўлар эди.

Ишлов берилаётган сувга озонлашда бегона аралашмалар киритилмайди, таъсирланувчи озон эса, қисқа вақт ичида, кислородга айланиб, парчаланиб кетади. Озонни меъёрлашда унчалик аниқлик талаб этилмайди. Ортиқча озон билан сувга ишлов беришда ўзи билан специфик (ўзига хос хусусият) ҳид келтирилмайди. Давлат стандартларига биноан, сувнинг аралаштириш камерасидан чиққандаги озонни қолдиқ таркиби 0,1-0,3 мг/л бўлиши керак.

1.3.2. Озон электросинтези шартлари


(синтез – 1.бирга қўшиш, умумлаштириш; 2.Содда элемент ёки моддадан мураккаб модда ҳосил қилиш)

Озоннинг саноат асосидаги олинишига, тинч ярим коронли ёки коронли зарядлар таъсирида кислород молекулаларининг атомларга бўлиниши, кейинчалик кислороднинг бир атомидан молекулага бирлашиш реакцияси ётади.



Тинч заряд, шишалик икки цилиндрлик қувурчадан иборат қурилмада содир бўлади.

Рис. 12.1. Разрядные трубки тихого (а), полукоронного (б) и коронного (в) разрядов.



1– Расм -(а,б,в)

